

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги хузуридан
Давлат Хизматлари Агентлигининг
Юнусобод туман Давлат Хизматлари
Маркази томонидан 2023 йил _____ да
_____ сонли реестр рақами билан
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН
ЎТКАЗИЛГАН

«Gross sug‘urta kompaniyasi» AJ
Акциядорлар умумий йигилишининг
2023 йил 24 апрелдаги
01-сонли баённомаси билан



Интилиш раиси
Ф.Б. Ахмеджанов

«Gross sug‘urta kompaniyasi» aksiyadorlik jamiyati

УСТАВИ

(янги таҳрирда)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «Gross sug'urta kompaniyasi» aksiyadorlik jamiyati (матн давомида «Жамият» деб номланади) «GROSS INSURANCE» mas’uliyati cheklangan jamiyati ягона таъсисчисининг 2022 йил 13 январдаги 2-сонли акциядорлик жамиятига ўзгартириш тўғрисидаги қарорига асосан қайта ташкил этилган.

1.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 17 ноябрда 103 – сонли реестр рақами билан Давлат рўйхатига олинган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат Хизматлари Агентлигининг Юнусобод туман Давлат Хизматлари Маркази томонидан 2017 йил 23 марта 10-000103 – сонли реестр рақами билан қайта рўйхатга олинган «GROSS INSURANCE» mas’uliyati cheklangan jamiyati нинг барча хукуқ ва мажбуриятлари буйича хукуқий вориси ҳисобланади.

1.3. Жамиятнинг мазкур Устави Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунлари ва бошқа қонун хужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.4. Жамиятнинг номланиши:

Жамиятнинг тўлиқ расмий номи:

- ўзбек тилида – «Gross sug'urta kompaniyasi» aksiyadorlik jamiyati
- рус тилида – Акционерное общество «Страховая компания Gross»
- инглиз тилида – «Gross Insurance Company» Joint-Stock Company

Жамиятнинг қисқартирилган расмий номи:

- ўзбек тилида – «Gross sug'urta kompaniyasi» AJ
- рус тилида – АО «Страховая компания Gross»
- инглиз тилида – «Gross Insurance Company» JSC

1.5. Жамиятнинг жойи (пошли манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Буюктурон МФЙ, Усмон Носир кўчаси, 6-йй.

1.6. Жамиятнинг веб-сайти – www.gross.uz, жамиятнинг электрон пошли манзили (e-mail) – info@gross.uz.

1.7. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга тузилган.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ), МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Жамият фаолиятининг асосий мақсади бўлиб, Ўзбекистон Республикасида ва хорижда умумий суғурта фаолиятини олиб бориш, яъни фуқаролар мулкини, корхона, давлат, ташкилот ва муассасаларнинг мулкини, юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ва тадбиркорлик таваккалчиликларини суғурталаш хизматини кўрсатиш оркали фойда олиш ҳисобланади.

2.2. Жамият мақсадига эришиш учун қуйидаги фаолият турларини амалга ошириш хукуқига эга:

- суғурталовчи ва қайта суғурталовча сифатида суғурта ёки қайта суғурта фаолияти;
- суғурта йўналиши бўйича мутахассисларнинг малакасини оширишга қаратилган фаолият;
- суғурта агенти сифатида суғурта воситачилик фаолияти.

2.3. Жамият қонунчилик билан таъкиданмаган, ва Уставида кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият тури билан қонун хужжатларида белгиланган тартибда шугулланиши мумкин.

2.4. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиласидаги фаолият турлари Жамият томонидан шундай лицензия олинганидан кейин амалга оширилади.

III. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ ВА ҲУҶАҚЛАРИ

3.1. Жамият юридик шахс бўлиб, ўзининг мустақил балансига ва ҳисоб рақамига эга. Жамият ҳисоб – китобларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ўз ишларини (хизматларини) сотиш жойларида, шу жумладан Жамиятнинг хўжалик фаолияти амалга ошириладиган давлатлар ҳудудида жойлашган банкларда ва бошқа кредит муассасаларида валюта ва бошқа ҳисоб рақамларни очиши мумкин.

3.2. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқукка эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвирланган юмалоқ муҳрига (мухрда қўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штампи, бланкаларига, товар белгисига ва ўз тимсолига эга.

3.3. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўйба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Шўйба ва тобе хўжалик жамиятлари ўз мулкида жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эга бўлишга ҳақли эмас.

3.4. Жамият Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўз филиалларида эга. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, Жамиятнинг Акциядорлар умумий йифидиши тасдиқлаган Низомлар асосида иш кўради. Филиал раҳбарлари Жамият Бошқарув раиси томонидан тайинланади ва Ишончнома асосида иш юритади.

3.5. Жамият ўз фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда олдига қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида кўйидагиларга ҳақлидир:

– Келишилган тариф ва нархлар асосида суғурта қилишнинг ихтиёрий ва мажбурий турлари бўйича суғурта хизматларини кўрсатиш;

– Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг таъсисчиси бўлишга ёки уларнинг Устав фондида бошқача тарзда иштирок этишга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ваколатхоналар, филиаллар, савдо уйларини очишга;

– Ассоциация, уюшма ва бирлашмаларга аъзо бўлишга;

– Банкларда белгиланган тартибда ихтиёрий ҳисоб рақами ва валюта ҳисоб рақамларини очишга, ссуда ва банк кредитларини олишга, қонунчиликка мувофиқ барча шаклдаги тўловларни ўтказишга ва акцептлашга, пул воситаларини конвертация қилишнинг амалдаги тартибига мувофиқ ваколатли банклар орқали ўз воситаларини конвертация қилишга;

– Хўжалик фаолиятини мустақил режалаштиришга ва бажаришга;

– Қонунчиликда белгиланган тартиб ва шартлар асосида суғурта (қайта суғурталаш) шартномаларини тузишга ва бажаришга;

– Ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг ташқарисида қайта суғурта қилдиришга;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида суғурта ходисаларини бартараф этишга ва олдини олиш бўйича чора – тадбирларни молиялаштиришга;

– Қонун ҳужжатларида мувофиқ амалга оширилаётган суғурта турлари бўйича қоидани (шартларни) белгилашга;

– Суғурта қопламаси миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни белгиланган тартибда ҳуқук-тартибот органларидан, судлардан, тиббий, сейсмологик, ветеринар, гидрометеорологик ва бошқа ташкилотлардан сўрашга ва олишга;

– Суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурталаш брокерлари, шунингдек суғурта бозорининг бошқа мутахассислари билан тегишли тартибда шартномалар тузишга;

– Қонун ҳужжатларида ва/ёки суғурта (қайта суғурталаш) шартномаларида белгиланган тартиб ва ҳолатларда суғурта тўловидан воз кечишга, суғурта шартномасини муддатидан олдин тўхтатишга;

- Чет эллик сұғурталовчиларга сюрвейер ва аджастерлик хизматини күрсатышга;
- Жамият томонидан шахсий зарурат учун илгари олинган ёки суғурта шартномаларини тузиш натижасыда ўз тасарруфига олган мол – мулкни сотишига ёки ижарага беришга;
- Ўзбекистон Республикаси ва чет эл рейтинг ташкилотларидан рейтинг күрсаткичларини олишга;
- Жамиятта юқлатылған вазифаларни бажаришда ва хұжалик фаолиятини юритищда зарур бўладиган товар – моддий бойликлар, ишлаб-чиқариш ва техник мақсадлардаги жиҳозлар, транспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа турдаги жиҳозларни сотиб олишга;
- Тендерларда, танловларда, аукционларда, савдоларда, конкурс – кўрикларда иштирок этишга, хомийлик ва хайрия тадбирларини амалга оширишга, ҳамда ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширишга;
- Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV. ЖАМИЯТНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 4.1. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган барча мулки билан жавоб беради.
- 4.2. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ заарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида коплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.
- 4.3. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.
- 4.4. Жамият ўз акциядорлари мажбуриятлари бўйича жавобгар эмасдир.
- 4.5. Давлат ва унинг органлари Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

V. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

- 5.1. Жамиятнинг Устав фонди акциядорлар томонидан олинган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.
- 5.2. Жамиятнинг Устав фонди **45 414 450 000,00 (кирқ беш миллиард тўрт ўн тўрт миллион тўрт ўз эллик минг) сўм** миқдорида шакллантирилган.
- 5.3. Жамият Устав фонди 45 414 450 (кирқ беш миллион тўрт ўз ўн тўрт минг тўрт ўз эллик) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборатdir.
- 5.4. Бир дона оддий акциянинг номинал қиймати 1 000,00 (бир минг) сўм.

VI. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИННИ КЎПАЙТИРИШ

- 6.1. Жамиятнинг Устав фонди кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.
- 6.2. Кўшимча акциялар Жамият томонидан Жамият Уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.
- 6.3. Жамиятнинг Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият Уставига устав фондни кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарорлар Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.
- 6.4. Жамиятнинг Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

6.5. Жамиятнинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Жамият Уставидаги кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

6.6. Жамиятнинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивиденклар ҳисобидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

6.7. Жамият акциялари учун тўлов факат пул маблағлари билан амалга оширилиши мумкин. Жамият устав фондини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

VII. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ КАМАЙТИРИШ

7.1. Жамиятнинг Устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

7.2. Жамиятнинг Устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

7.3. Жамият Устав фондини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Жамият Устав фондининг Жамият Уставидаги тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аникланадиган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

7.4. Устав фондини камайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиши хақидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади.

VIII. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ, УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАР

8.1. Жамият акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий акциялардир.

8.2. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк хукуки асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган хукуклардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

8.3. Акциялар мулк хукуки ёки бошқа ашёвий хукуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.

8.4. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивиденклар олиш, Жамиятни бошкаришда иштирок этиш хукукини беради.

8.5. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва/ёки ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

8.6. Акцияларнинг очик обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.

8.7. Жамият акцияларининг жойлаштирилиши қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

8.8. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

8.9. Жамиятнинг эълон қилинган акциялари – Жамият Устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг сони номинал қиймати 1000,00 (бир минг) сўмлик 24 995 550 (йигирма тўрт миллион тўқиз юз тўқсон беш минг беш юз эллик) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

IX. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

9.1. Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари қўйидагилардан иборат:

- Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиши;
- депо ҳисобварағидан ўзига таалкукли кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тутатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йигилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган заарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қофозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлик таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

9.2. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:

- мазкур Уставда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усусларда акцияларнинг нархини тўлаш;
- мазкур Уставда назарда тутилган чегараларда, Жамият бошқарув органларининг қарорларига бўйсуниш;
- Жамиятнинг махфий тусда бўлган ахборотларини ошкор қиласлик;
- ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи инвестиция воситачисини хабардор қилиш.

9.3. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар. Акциядорлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

X. ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ

10.1. Жамият ўз фаолиятини юритишда суғурта ва бошқа захира фондларини ташкил қиласди.

10.2. Жамият устав фондининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида захира фонди ташкил этилади.

10.3. Жамиятнинг захира фонди ушбу уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори Жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

10.4. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

10.5. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

10.6. Жамият томонидан барча олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъмилаш мақсадида, маҳсус ваколатга эга органлар томонидан ишлаб чиқилган тартибда, сўм ва чет эл валютасида тўланган суғурта мукофотлари ҳисобига захира фонди шакллантирилади.

10.7. Жамият активларининг Жамият суғурта резерви миқдорига мутаносиб қисми мусодара килинмайди.

10.8. Жамият томонидан бошқа фондлар ҳам ташкил этилиши мумкин.

XI. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТҮЛАШ ТАРТИБИ

11.1. Дивидендлар Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган кисмидир. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида коладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

11.2. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши лозим.

11.3. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

11.4. Дивидендлар акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

11.5. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган teng ҳукукларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

11.6. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўккиз ойи натижаларига кўра ва молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўккиз ойи натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қарор тегишли давр тугаганидан кейин уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.

11.7. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳакида аудиторлик хulosasi мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади.

11.8. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

11.9. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йигилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

11.10. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳукуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичida талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолдирилиши мумкин.

XII. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИНГ ТУЗИЛМАСИ

12.1. Куйидагилар Жамиятнинг бошқарув органлари ҳисобланадилар:

- **Акциядорларнинг умумий йигилиши** – Жамиятнинг юқори бошқарув органи;
- **Кузатув кенгаши** – Жамиятнинг бошқарув органи;
- **Бошқарув** – Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилувчи коллегиал ижроия органи;
- **Ижроия органининг раҳбари** – Бошқарув Раиси.

12.2. Куйидагилар Жамиятнинг назорат қилувчи органлари ҳисобланадилар:

- **Жамиятнинг ички аудит хизмати** – Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари, Жамиятнинг таркибига кирувчи корхоналар ишини назорат қилишни ва баҳолашни амалга оширади.

XIII. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

13.1. Акциядорларнинг умумий йигилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

13.2. Акциядорларнинг умумий йигилишини Жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

13.3. Жамият акциядорларининг йиллик Умумий йигилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

13.4. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

13.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтишчисини сайлаш тўғрисидаги, Жамиятнинг яккабошлиқ асосидаги ижроия органи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек ушбу Уставнинг 13.8. – банди ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошиларига мувофиқ Жамиятнинг йиллик ҳисоботи Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисидаги ҳисботлари ва бошқа хужжатлари кўриб чиқилади.

13.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши амалдаги қонунчиликка мувофиқ, йиғилиш чақириш ҳуқукига эга бўлган органларнинг талабига биноан ўтказилади.

13.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг кузатув кенгashi томонидан белгиланади.

13.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

- Жамиятни қайта ташкил этиш;

- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- Жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Кузатув кенгashi аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш ;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- Жамиятнинг устав фондини камайтириш;

- Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;

- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- Жамият тафтишчисини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтишчи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, Тафтишчига мукофот ва компенсациялар тўлаш;

- Жамиятнинг йиллик ҳисботини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқкан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;

- Жамият кузатув кенгашининг ва тафтишчисининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини ва тафтишчисининг хulosаларини эшитиш;

- Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасида назарда тутилган имтиёзли ҳуқуқни кўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ микдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

13.10. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

13.11. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

13.12. Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган тақдирда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Бунда ушбу акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллукли қоидалар бундан мустасно.

13.13. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлик бошқа масалалар амалдаги қонунчилик ва Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида» ги Низоми ва «Саноқ комиссияси тўғрисида» ги Низоми билан тартибга солинади.

XIV. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

14.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги қонунчилик ва Жамият Устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

14.2. Кузатув кенгашининг фаолият тартиби Жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

14.3. Жамиятнинг Кузатув кенгаши 3 (уч) нафар аъзодан иборат бўлиб, улар қонун ҳужжатларида ва ушбу уставда белгиланган тартибда Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланади.

14.4. Жамият Кузатув кенгаши таркибиға сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланишлари мумкин.

14.5. Жамиятнинг ижроия органининг аъзолари, Бошқару раиси Кузатув кенгашига сайланиши, тайинланиши мумкин эмас.

14.6. Жамиятда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

14.7. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

14.8. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

14.9. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенгашининг таркибиға сайланган деб хисобланади.

14.10. Жамият Кузатув кенгашининг раиси, Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаши таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

14.11. Жамиятнинг кузатув кенгаши, ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

14.12. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгashi мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йигилишида раислик қилади.

14.13. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

14.14. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият кузатув кенгashi аъзолари, Бошқарув раиси, шунингдек Жамият уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чакирилади.

14.15. Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизига эгалик қиладиган акциядорлар (акциядор) Кузатув кенгashi йигилишини чакиришни талаб қилиши ва кун тартиби, даромад таҳсилоти, бошқарув ва назорат органлари аъзолигига номзодларни акциядорларнинг умумий йигилишига алмаштириш бўйича таклифлар ва мурожаат этишга ҳақлидир.

14.16. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият кузатув кенгashiга сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

14.17. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл кўйилмайди.

14.18. Жамият кузатув кенгashi аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгashi томонидан қарор қабул қилишда Жамият кузатув кенгashi раисининг овози ҳал қилувчи хисобланади.

14.19. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенgashi мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

14.20. Жамият кузатув кенgashi мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият кузатув кенgashi аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

14.21. Жамият кузатув кенgashi қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият кузатув кенgashi барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

14.22. Жамият кузатув кенgashi мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенgashi акциядорларнинг умумий йигилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижроия органига кузатув кенgashi мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

14.23. Жамият кузатув кенgashining ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисботини мунтазам равишда эшишиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йигилишларини чакириш, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конуни 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек Жамият уставига Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш ҳамда тегишли хужжатларни (акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини) тасдиқлаш;

- Жамият томонидан акциялар, корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш түғрисида қарор қабул қилиш;
 - құмматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш түғрисида қарор қабул қилиш;
 - Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш түғрисида қарор қабул қилиш;
 - қонунчилікда белгиланған тартибда акцияларни жойлаштириш нархини белгилаш;
 - Жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбари ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - ижроия органига тұланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;
 - Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
 - ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшлиб бориши;
 - Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан әркін фойдаланиш ва Жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатылған вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан факат хизмат мақсадларыда фойдаланиши мүмкін;
 - аудиторлық текширувiniң үтказиши (мажбурий аудиторлық текшируви бундан мустасно), аудиторлық ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тұланадиган энг күп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) түғрисида қарор қабул қилиш;
 - дивиденд миқдори, уни тұлаш шакли ва тартиби қоясайдан тавсиялар бериш;
 - Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
 - Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
 - Жамиятнинг шүйба ва тобе ҳұжалик Жамиятларини ташкил этиш;
 - Қонун ҳужжатларыда назарда тутилған ҳолларда йирик битимлар ва Жамият аффилланған шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
 - Жамиятнинг тијорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларыда белгиланған тартибда тузиш;
 - Жамиятнинг устав фондини күпайтириш масалаларини, шунингдек Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини күпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинған акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ үзгартыши ва құшымчалар киритиш түғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
 - Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига Қонунчилік ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мүмкін.
- 14.24.** Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилған масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига үтказилиши мүмкін эмас.

XV. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

15.1. Жамиятнинг қундалик фаолиятига раҳбарлық қилиш коллегиал ижроия органи – Жамият Башқаруви томонидан амалға оширилади. Жамият Башқаруви 5 (беш) нафар аъзодан иборат.

15.2. Жамият Башқаруви акциядорлар умумий үйгілиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилған масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

15.3. Жамият Башқаруви ижро этувчи орган ҳисобланиб, унинг қундалик фаолиятини бошкаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави ва Акциядорлар умумий үйгілиши карорларига мувофиқ амалға оширади.

Жамият Башқарув раиси ва аъзолари акциядорлар умумий үйгілиши томонидан 3 (үч) йил муддатта сайланади (тайинланади). Сайланғандан (тайинланғандан) сўнг бошқарув раиси ва ҳар бир аъзоси билан тегишли лавозими бўйича вазифаларини бажаришга 3 (үч) йил муддатли шартнома тузилади, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мүмкінлиги түғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

15.4. Жамият ходимлари мазкур Уставга ва амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ Жамият Бошқарув раиси билан меңнат шартномасини тузадилар.

15.5. Жамият Бошқаруви ушбу Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Жамият Ижроия органи түғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

15.6. Жамият Бошқарувининг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта ўтказилади. Жамият Бошқаруви томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда Бошқарув мажлисида олдиндан муҳокама этилади. Бошқарувининг фикри ҳакида Акциядорларнинг умумий йиғилишида Бошқарув Раиси ёки у томонидан ваколат берилган Бошқарув аъзоси ахборот беради ва ҳимоя киласи.

15.7. Жамият Бошқаруви мажлиси унинг кун тартибига киритилган масалаларни, агар мажлисда Бошқарув аъзоларининг камида З нафар аъзоси қатнашса, ҳал қилишга ҳақлидир.

15.8. Жамият Бошқаруви мажлисида карорлар мажлисида қатнашаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Жамият Бошқаруви раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади. Мазкур уставнинг 15.11.–бандининг о) кисмида кўрсатилган масала бўйича қарор мажлисида иштирок этаётган Жамият Бошқаруви аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

15.9. Бошқарув мажлисида баённома юритилади. Баённома мажлисида иштирок этаётган Жамият Бошқарув аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Бошқарув мажлисининг баённомаси Жамият тафтишчисига, шунингдек ички аудиторга уларнинг талабига кўра берилади.

15.10. Жамият Бошқарувининг мажбуриятлари ва ваколатларига қўйидагилар киради:

- а) ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол –мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;
- б) Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- в) Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- г) Жамият шўъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;
- д) Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;
- е) Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес – режалари ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;
- ж) Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес – режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;
- з) қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- и) Жамиятнинг молия – хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатлар Жамият тафтишчиси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;
- к) ўз ваколати доирасида мол – мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол – мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш (битим тузиш масаласида Жамият Бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Жамият бошқаруви қарорига мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳукмiga ҳавола этилиши мумкин);
- л) Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни саклаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият Бошқаруви томонидан белгиланади;
- м) ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни Акциядорларнинг умумий йиғилишига белгиланган муддатда тақдим этиш;

- и) Жамият Акциядорларининг умумий йигилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳукукларига риоя қилиш;
- о) ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;
- п) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;
- р) Жамиятнинг Бошқаруви, қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15.11. Жамият Бошқарув раисининг мажбуриятлари ва ваколатларига қўйидагилар киради:

- а) Жамиятнинг самарадор ва барқарор иш юритишини таъминлаган ҳолда кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш, акциядорлар Умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалардан ташқари;
- б) акциядорлар Умумий йигилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари ижросини таъминлаш;
- в) Жамиятнинг шартомавий мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;
- г) Жамият фаолияти ва ижтимоий соҳа ривожланиши учун зарур бўлган даромад олишни таъминлаш;
- д) Жамиятнинг бизнес – режа ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш, ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш;
- е) Жамият фаолиятини юритишда қонунчилик талабларига риоя этишини таъминлаш;
- ж) Жамият бошқаруви мажлисларини ўтказиш ва баённома (карор) ларини имзолаш, Жамият номидан ҳужжатларни имзолашни ташкил этиш;
- з) Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидағи корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- и) банкларда ҳисоб рақамлар шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очиш ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;
- к) давлат статистика ҳисботи ва бухгалтерия ҳисботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- л) ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади, шунингдек шартома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;
- м) штатларни белгилаш, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлаш;
- н) Жамиятга ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини риоя этилишини таъминлаш;
- о) Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилияtlаридан унумли фойдаланиш чораларини кўриш;
- п) Жамият ходимларининг малакасини ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали ошириш;
- р) Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишини таъминлаш;
- с) Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- т) Жамият филиаллари ва ваколатхоналари штат жадвалларини тасдиқлаш;
- у) Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;
- ф) филиал фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва уларнинг бизнес – режаларини ва бажариш тўғрисидаги ҳисботларини тасдиқлаш;
- х) Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
- ц) Жамият таркибига кирувчи ташкилотларнинг бошқарув органлари йиғилишларида ўзининг вакилларини Жамият номидан овоз бериш тартибини белгилаш;

ч) Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига, ҳамда Жамият ички хужжатларига риоя қилиш.

ш) Жамият Бошқарув раиси, қонунчилик, ушбу Устав ва Жамиятнинг меъёрий хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15.12. Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари ўз хукуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

15.13. Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун хужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

15.14. Жамиятга зарап етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга карши овоз берган Жамият Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

15.15. Бошқарув Раиси ва аъзоларини лавозимидан бўшатиш (ваколатини тугатиш) ҳақидаги қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

15.16. Бошқарув раиси ва аъзолари томонидан ушбу Устав ва меҳнат шартномаси шартлари кўпол равишда бузилса, ёхуд Жамият бизнес – режасининг тасдикланган кўрсатгичларни бажарилиши бузилган ҳолларда ва уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамиятга келтирилган заарлари сабабли улар билан тузилган меҳнат шартномаси қонунчиликда белгиланган тартибда муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

15.17. Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳолда уларнинг вазифасини вақтинча бажаришни Кузатув кенгаши қарорига мувофиқ тайинланган шахс амалга оширади.

XVI. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

16.1. Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг акциядорлар умумий йигилишига ҳисобдордир. Ички аудит хизмати ҳодимларининг сони ва шахсий таркиби амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда ташкил этилади.

16.2. Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун хужжатларига, Жамият уставига ва бошқа хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди. Шунингдек ички аудит хизмати 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

16.3. Ички аудит хизмати ҳар чорак натижалари бўйича ва молия йили тугагандан сўнг, Жамият акциядорлари умумий йигилишига ҳисбот топширади. Ички аудит хизматининг хизмат вазифалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ ўрнатилади. Ички аудит хизмати ҳодимлари билан меҳнат шартномасини Жамият Бошқарув раиси имзолайди.

16.4. Ички аудиторнинг иш режаси, харажатлар сметаси Жамият акциядорлари умумий йигилиши томонидан тасдикланади.

16.5. Ички аудит хизмати фаолияти акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиклаган “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

XVII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

17.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишув йўли билан амалдаги қонун хужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

17.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар суд орқали Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.


XVIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

18.1. Жамият Уставида кўзда тутилмаган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқукларини химоя қилиш тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тартибга солинади.

18.2. Агар мазкур Уставнинг бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

18.3. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради.

«Gross sug'urta kompaniyasi» AJ
Бошқарув раиси



O.X. Назаров